

## Мусулмон ҳукмдорлар – золим бўлишганми?

Муаллиф:

25.03.2014 18:31 - Янгиланди 02.09.2014 23:20

---

Гарб муаллифлари орасида “Ислом тарихининг ўрта аср даврини теократик тузум, ундаги ҳукмдор Худонинг ер юзидаги халифаси, унинг фармонларига ҳеч ким қарши чиқа олмайди” деган мулоҳаза кенг тарқалган. Бундай ҳукмдорларни фақатгина сарой ичидаги фитна-фасодлар билан ағдариш мумкин. Хатто, шарқшунослар доим мактаб келадиган султон ва халифлар ҳар қандай фармон ва қарорларнинг мутлақ ҳокими сифатида қабул қилган, мусулмон дунёсининг тақдири уларнинг қайфиятига боғлиқ, деб қабул қилганлар.

Шарқшунослар фикрига кўра, мусулмон дунёси – ҳукмдори золим ё доим маст сархуш хотинбоз... Гарб онгидаги мусулмон давлати ҳақидаги тасаввур ҳамон ўзгармаган. Ҳукмдорнинг ўй-хаёли хотинлар ва халқ фақат унга бўйинсинуши керак эмиш.

Бирок, Ислом тарихини чуқур ўрганиб чиқсак, юқорида айтилган нарсалар ҳақиқатдан анча йироқ экани маълум бўлади. Аслида, Ислом ҳукмдорлари ўз маъсулияти ҳақида илғор ёндашувда бўлишган экан.

Масалан, шарқшунос Уилям Мюр Мисрнинг энг буюқ ҳукмдорларидан бири бўлган Султон Зоҳир Бейбарсни шавкатли ҳукмдор бўлганлигини ёзади.

Султон Бейборс магуллар ва салбчиларга қарши катта ҳарбий ҳаракатларни амалга оширган ҳамда иқтисодий ва кишлок хўжалигига оид зарурий ислохатларни амалга оширган. Кўприқлар, тўғонларни бунёд этган, мамлакатда тинчлик сақлаган ҳамда аҳолини ижтимоий таъминот билан таъминлаган. У кўзга кўринган истеъдодли ҳарбий раҳбар ва катта таъсирга эга шахс бўлган ҳисобланади. Замондошлари ундан кўрқиб қолган. Кўпчилик уни золим бўлганини айтишади, бирок тарих бунинг аксига гувоҳлик бермоқда. Султон жамоатчилик фикрини инобатга олган ва халқнинг манфаатларига мувофиқ сиёсат юритган.

Ўша даврларда фуқаролар жамиятининг пешволари сифатида уламолар ҳисобланар эди. Шундай уламоларнинг бири Изз ибн Абдусалом эди. У Миср тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Султон Бейбарс уламолар фикрига кулоқ солган ва уларга қарши бормаган.

Яна, ҳукмдорлар ичида катта обрўга эга олим ва қози Тожиддин ибн бинт Ал-Ааз ҳам бўлган. Бейбарснинг муҳим вазирларидан бири Баҳоуддин бин Ханна Ал-Аазнинг халқ орасидаги катта обрўси тўғриси унинг ёрдамига доим муҳтож бўлган, Бейбарс эса сиёсат масалалари бўйича уламо билан доим маслаҳатлашиб турган.

Жуда кўп асарларнинг муаллифи ва жуда кўп олимларнинг муаллими бўлган имоми Муҳиддин Нававий ҳам ҳукмдор билан узаро алоқада бўлганлигига яна бир мисолдир.

Султон Бейбарс Дамашқда баъзи объектларни мусадора қилганида имом Нававий Дамашқ аҳолисининг ҳуқуқини ҳимоя қилиб сиёсий қураш олиб борган. Имом Нававий Бейбарсга ҳукмдорнинг ўз халқига қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида Исломий ҳукмларни ёзиб, тушунтириб юборган. Ҳамда султоннинг Дамашқ аҳлига

## Мусулмон ҳукмдорлар – золим бўлишганми?

Муаллиф:

25.03.2014 18:31 - Янгиланди 02.09.2014 23:20

---

келтирган зарарини ҳам ёзган. Нававийнинг мактуби илтимос охангида эмас балки султоннинг шариатга (конунга) амал қилиши ҳақида аниқ кўрсатмалар эди. Султон унинг мактубини ўқишдан бош тортганида имом катъиятлик кўрсатган. Бейбарс уруш учун аҳолининг мулкани мусодара қилмоқчи бўлганида ҳам Нававий султонни танқид қилган. Султон эса ўз ўринда уни Дамашқдан бадарга қилган. Сўнг Дамашқ уламолари султон қарорига қарши чиқиб, имоми Нававийини қайтаришга мувоффақ бўлган.

Уламолар ва султонлар ўртасидаги ихтилофлар кўпинча ҳукмдорлар мавқеи ва таъсирига боғлиқ бўлган ва султонларнинг уламоларнинг талабларига бўйинсинуши шахсий масала бўлмаган, балки халқ иродасига бўйинсинуш масаласи бўлган.

Юқорида зикр қилинган фактлар Ислом оламида ҳукмдорлар “амри маъруф ва нахий мункар” тамойилига асосланган халқ иродасига бўйинсинуши кераклигини исботлайди. Омма, ҳукмдорга бўлган муносабатида ҳам мазкур тамойилга асосланган.

Интернет маълумотлари асосида Абу Муслим тайёрлади